
ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ҲАЙРУЛЛО БОЗОРОВ ВИЛОЯТ БОЛАЛАР КҮП ТАРМОҚЛИ ТИББИЁТ МАРКАЗИДА ДАВОЛАНАЁТГАН БОЛАЛАРГА ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАЛАРИНИ ТОПШИРДИ

Вилоят ҳокими Ҳайрулло Бозоров вилоят прокурори Бахтиёр Исмоилов билан бирга бугун вилоят болалар күп тармоқли тиббиёт марказида бўлиб, онкогематология, кардиохирургия, нейрохирургия ва чақалоқлар хирургияси бўлимларида даволанаётган 48 нафар болалар ва уларнинг оналарини Янги йил билан табриклади, байрам совғаларини топширди. Вилоят раҳбари болалар ва уларнинг оналарига далда берди, тезроқ соғайиб кетишларини тилади.

Давлатимиз раҳбарининг оналик ва болаликни муҳофаза қилишга бўлган алоҳида эътиборлари натижасида ва қарорлари ижроси доирасида барпо этилган, бир йил аввал – 2022 йил 27 декабрда фойлаланишга топширилган З қаватли онкогематология, кардиохирургия, нейрохирургия ва чақалоқлар хирургияси бўлимлари биноси, энг илғор хорижий жиҳозлар билан таъминланиб, бемор болалар ва уларнинг ота-онаси учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Болаларнинг даволаниши билан бирга таълим-тарбияси ҳам эътиборда. Бу ерда “Замин” фонди томонидан ташкил этилган “Мехрли мактаб” ва “Илк қадам” номли мактаб ва боғча гўшаларида болалар билим олиб, қизиқарли машғулотларни ўрганмоқда.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2023-12-29 15:33:57